









Кун мавзуси

Ҳозир одамларнинг банк ва молия хизматларидан фойдаланиши шунчаки ҳашамат эмас, балки кундалик эҳтиёжга айланган.

www.yuz.uz, yuz.uznews, yuz\_official, yuz.uz\_news, yuz.uz\_news. Includes QR code and social media icons.

рининг назорати орқали исломий банкларда юзага келиши мумкин бўлган нотўғри ҳаракатлар, турли молиявий ҳатторларда давлат ўртада туриб, қафолат бўлади.

Тадбиркорлар учун манфаатлими?

Қонун уч ойдан кейин расман кучга кирди ва юртимиз тижорат банкларидан бирин-кетин "исломий дарча"лар иш бошлади.

ИСЛОМИЙ БАНК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЮРТИМИЗ АМАЛИЁТИДА ЯНГИЛИК

кейин ҳам амалий ҳаракатларга тезда ўтилгани кўпчиликини қизиқтиради. Иқтисодчи мутахассислардан бири билан суҳбат давомида шу масала ҳақида сўрадим.



исломий банклар исламия асосида иш бошлайди. Иккинчиси эса амалда ишлаб келаятган банклар ҳам исломий банк фаолиятини амалга оширувчи лицензия орқали бир вақтнинг ўзидики йўналишдаги хизматларни кўрсатиши мумкин.

Қонун доирасида Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда яна 7 та қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

монетизация қилиш тўғрисида тўғри таққиланди. Ҳўш, у ҳолда банклар ислом молиясидан қандай фойда кўради?

тадбиркорга сотади. Масалан, 100 миллион сўмга техника олса, уни 125 миллион сўмга беради. Бунда 25 миллион сўм исломий банкнинг фойдаси ва бу сумма токи қарз узилмагунча қадар ўзгармайди.



Қонунга кўра, банклар 6 турдаги исломий молиявий операцияларни амалга ошириши кўзда тутиляпти. Бу операцияларга фойдани тақсимлаш шарти асосида мижозни молиялаштириш ёки пул маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этиш (музораба), вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки инвестициявий омонатларга жалб этиш (вакала), товарни насияга сотиш орқали мижозни молиялаштириш (муроба), товарлар учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали мижозни молиялаштириш (салом), биргалликдаги фаолиятни (шерикчилик) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг устав капиталда иштирок этиш орқали мижозни молиялаштириш (мушорака) ҳамда мол-мулкни кейинчалик сотиб олиш ҳўқуқи билан ижара (лизинг)га бериш кирди.

Қонун билан исломий банклар ва тижорат банкларидики "исломий дарча"ларда кўрсатиладиган исломий молия операциялари, уларни амалга ошириш тартиблари белгилаб қўйилган. Ана шу талаблардан четга чиққан молия ташкилотларига тегишли тартибда чоралар кўрилади. Яъни шариат кенгашлари

Фойда нимадан олинади?

Исломий банкларни ташкил этиш ҳақида гап борганда, нега бу жараён юртимизда анча чўзилгани, аниқ вазифалар белгиланганидан

Исрода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАГА КИРАЁТГАН МАҲАЛЛА

Бу муаммолар кечаги ёки бир-икки кунлик эмасди. Бунга анча йиллар бўлди. Ҳатто ҳудуд аҳолиси ўзгаришлар рўй беришидан умидини ҳам узганди.



Биттагина хонадан иборат эски иморатда омонатгина ўтирган раис ҳам дардини кимга айтишни билмай, лол эди. Қишлоқ шифокорлик пунктини айтмайсизми? Яхшиям қачонлардир хўжалиқдан қолган эски вагон бор экан.

Акмал Шойимов. — Цехнинг ўзида ўқув курси очилди, ишга талабдорлар ўқитилди. Ҳўзир ўттиздан ортиқ хотин-қиз ишга қабул қилинган. Асосан тиббиёт ҳодимлари учун махсус кийим тикишди.

эримнинг нафақасига бир амаллаб кун кўрардик. — дейди Гулноза Аллабердиева. — Бу ерга ишга тақлиф этишгани яхши бўлди. Тикувчилик тажрибам борлиги учун дарҳол ишга бошлаб юбордим.

бўлган. Ҳўзир курутчилик ҳам кенг оммалашмоқда. Хўссусан, шу йўналишда ўттиздан ортиқ тақлиф омонат машғул. Бугун маҳаллада деярли бекор ўтирган уй бекасини учратиш мумкин.

Камбағалликдан фаровонлик сари

етказиб беради. Оқлавиий имтиёз, даромадимиз яхши. Мўҳими, бекор ўтирганамиз йўқ. Меҳнати оғир эмас. Алоҳида сўрилар қилиб олганмиз. Офтобда куришиб, идишларга жойлашмиз. Бир ойда бир тоннагача курут чиқарамиз.

Шаҳзод Норментлиев ҳам бутун курутчиликдан юқори даромад олмақда. Маҳалладаги 10 хотин-қизни ишга олиб, ойига 4 тоннагача курут тайёрлаб сотади.

Бошида "маҳалла еттилиги" ёрдами билан имтиёзлик кредит олгандим. Шунинг эвазига иш ўринлари ташкил қилдик. Келгусида тармоғимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ниятимиз бор.

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Тил билган — эл билади

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА КЎРИЛАДИ

Бугунги глобал жараёнлар ҳар бир мамлакатнинг жаҳон миқёсида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий интеграциялашуви масаласи нақадар муҳим эканини намоён этишмоқда. Бу, ўз ўрнида, рақобатбардор малакали кадрлар захирасини яратишга бориб тақалади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда таълим соҳасида кечаётган ўзгаришлар, айниқса, хорижий тилларни ўргатишга борилаётган эътибор бу борадаги ислохотларнинг энг муҳим жараёни саналади.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида умумий ўрта таълим муассасаларида жалб этилган хорижий мутахассислар сонини 2 минг нафарга етказиш, хорижий мутахассисларни жалб этишда уларнинг амалий тажрибаси, педагогик маҳорати ва маҳаллий муҳитга мослашиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси келтирилган.

Айни пайтда юртимиздаги 883 мактабда 1443 нафар хорижий тил эгаси ўқувчиларга тахсил бериб келяпти. Бунинг натижасида ўтган йиллар давомида ўқувчиларнинг хорижий тил билиш даражаси сезиларли ўсди, хусусан, тил билиш сертификатига эга мактаб ўқувчилари сони 2026 йилда 40 минг 566 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2021 йилдагига (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,7 баробар ўсди.

2023-2024 ўқув йилидан бошлаб мактабларда иккита хорижий тилга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилиб, бугунги кунда бундай турдаги мактаблар сони 420 тага етказилди. Иккинчи хорижий тил сифатида танланган инглиз, немис, француз, корей, япон ва хитой тиллари бўйича ўқув дастурлари яратилди.

Мактабларда чет тили фанини ўқитиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Келажак учун хорижий тил” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мактабларга жалб этилган хорижий мутахассислар ўқувчиларга чет тили сифатли ва самарали ўргатиш имконини кенгайтирмоқда. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

## Билал АТИФ, Миробод туманидаги 158-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси (ТУРКИЯ):

— Бу ерга келишдан олдин деярли ўн беш йил давомида хусусий халқаро мактаблар ва тил марказларида ишлаган эдим. 2023 йилда Ўзбекистонда хорижий ўқитувчиларни давлат мактабларига жалб қилиш бўйича ташаббус ҳақида биринчи марта эшитдим. Бу тижорат лойиҳаси эмас эди ва мени айнан шу омил таълим дастурига жалб қилди. Шу хайрли ташаббуснинг бир қисми бўлишни истадим. Ўзбекистон тарихи, Самарқанд ва Бухоро ҳақида тасавури бор, мингтақа ҳақида кўп ўқиган эдим. Шу сабаб мамлакатингизга ҳеч иккиланмай олтандим.

Минглаб ўқитувчиларни ўқиш текин бўлган давлат мактабларига ишлаш учун мамлакатта жалб қилиш катта миқдосдаги лойиҳа, аммо ҳали мамлакатингизда мени нима кутаётганини аниқ эмасди. Бу ердagi биринчи куним — 2023 йилнинг 3 сентяб-ри, биринчи кўнгирак маросимини яхши эслаймман. Уша кунни ўқитувчиларнинг чиндан ҳурмат қиладиган ва таълимни қадрлайдиган маданиятини кўрдим. Синфга кириб борарканман, ўқувчиларнинг ўрнидан туриши ва “Ассалому алайкум, устоз” дег ҳурмат билан қарши олишидан ҳайратга тушдим. Иш фаолиятимда таълим ва ўқитувчиларга шундай чўқур ҳурматни биринчи марта кўраётган эдим. Уша лаҳзада менда бу ерда кўп нарса ни удалай олишимга ишонч пайдо бўлди.

# ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР УЧУН МУҲИМ БОСҚИЧ

## Янгиланган тартибнинг устунлиги нимада?

Ҳаётимизни ўзгартирадиган, жамият ривожига ҳисса қўшадиган ихтиролар, инновацион гоялар, аввало, илмий изланишлар қилинадиган лабораторияларда шаклланади. Чунки айнан шу муҳитда янги фикрлар тажриба орқали синовдан ўтказилади, назарий билимлар амалиётга тағбиқ этилади. Бирқатор лабораторияларда етарлича замонавий асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, илмий тадқиқотлар самарадорлиги пасаяди, яратилган гояларни тўлиқ синовдан ўтказиш имконияти чекланади. Шу боис, илмий инфратузилмани мустаҳкамлаш, лабораторияларни ривожланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Бугунги глобал рақобат шароитида илмий натижадорлик кўп жиҳатдан айнан лаборатория имкониятлари билан белгиланмоқда. Қайси давлат илмий инфратузилмани тезроқ ва самаралироқ янгиласа, уша мамлакат инновациялар пойгаида устунликка эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, лабораторияларни жиҳозлаш тартибини такомиллаштириш масаласи стратегик аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 17 февралдаги “Илмий фаолият соҳасидаги тахсиллотларни лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлов материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғри-



**Жонибек ТАВАКАЛОВ,** Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директори

юклатилди. Махсус ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш белгиланган тартибда Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш

жамғармаси маблағлари ҳисобидан бўлиши кўзда тутилган. Энди лаборатория ускуналарига бўлган эҳтиёжни шакллантириш, бююртма бериш ва қўриб чиқиш ягона электрон платформа орқали амалга оширилади. Бу эса инсон омилни таъсирини камайтириш, шаффофликни оширади, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради. Натижада илмий тадқиқотларнинг ўз тадқиқотларини ортиқча бююртматик тўсиқларсиз давом эттириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, харид тизими мослашувчан шаклга ўтказилди. Олдин бююртмачи ташкилот лойиҳалар портфелини уч йилда бир маротаба юқори туруви ташкилотта тақдим этиши мумкин эди. Кейин эса улар ҳужжатларни вазирликка юборар, ундан кейин эксперт гуруҳи томонидан қўриб чиқилар ва маълумланганча янги жараёнига киришлар эди. Бу эса амалда лабораториялар зарур ускунани кутиб вақт кетказишига олиб келади. Натижада қайсидир тажриба, илмий жараён чўзилиб кетаверарди. Вақолаикни, илмий тадқиқотлар вақт билан чамбарчас бол-лик, Кечикиш натижадорликка салбий таъсир кўрсатади.

Энди эса илмий фаолият олиб боруви ташкилотларда бююртмалари бўйича харидни амалга ошириш имконияти мавжуд. Бунда йирик харидлар марказлашган тартибда



**Сержио РЕПОЛЛО,** Миробод туманидаги 214-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси (ФИЛИППИН):

— Бу ерга келгунимга қадар Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмас эдим. Интернетда Амир Темур ва Тошкент ҳақидаги видеоларга кўзим тушди. Буюк ипақ йўлида жойлашган мамлакатингиз, Хива ва Самарқанд каби қадимий шаҳарлар ҳақидаги ҳикоялар мени

ҳайратда қолдирди ва мен Ўзбекистондаги таълим дастурлари ҳақида эшитиб, ҳеч иккиланмай мамлакатингизга йўл олдим. Халқингиз жуда меҳрибон, кўмакка шай, илиқ муносабатда бўлади. Бизда ўхшаш маданият бор, чунки Осиёда ашайимиз. Мен турли жойларда бўлганман, аммо Ўзбекистонга бошқа мамлакатларга ўхшаб мослашиш муаммосига дуч келмадим.

Ўқитишда ҳам, ўрганишда ҳам эътиборга олиш керак бўлган жуда кўп жиҳатлар бор, чунки таълим дастури янги. Утган вақт бизни натижага тобора яқинлаштириб борди. Бугун ўқувчиларим эришаётган ютуқлар қувонарли. Улар аввалгидан шижоатлироқ, ўрганишга янада очик, Болалар чет элда ўқишни, келажакда яхши яшау учун ҳозирдан пойдевор куришни хоҳлайди. Нафақат ўзлари, балки оилалари ва келажак учун муваффақиятга эришишга интилади. Таълим сифати ҳозир яхшиланмоқда. Ўқувчилар таълимга боришга рағбатлантирилган. Ўқиш, билим олишга интилаётган болалар мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат қилмоқда.

Дарс ўтишда аралаш методни қўллаш керак, чунки битта синфда турли билим даражасига эга ўқувчилар бор. Ўқитувчилардан ўзгариш каталогини бўлиш кутулади. Биз ўқувчиларимизни ўзига хос тарзда ноёб деб ҳисоблаймиз,

лекин уларнинг характери, кайфияти ва муносабати синф динамикасини рағбатлантирадиган омил бўлиши мумкин. Бироқ бу қийинчиликлар ҳам мени ўқитишда янада ижодкорроқ, рағбатлантирилган, мослашувчан ва мулоҳазали бўлишга ундади. Синфда қўллайдиган методология стратегия ва педагогика аралаш методдир. Бу ўқувчиларимга таълимдаги муваффақиятли натижани таъминлаш керак.

Дарсим фақат грамматикани ўргатиш билан чекланиб қолмайди. Уларга адабиётни кўпроқ ўқитаман. IELTSга тайёрлайман. Жумлаларни қандай ишлатишни, иншо ёзишни ўргатаман.

Ўқувчиларини қулайлик зонасидан узоқроққа олиб чиқишга ҳаракат қиламан. Бу — менин услибим. Шунда улар мустақил ҳаракатлана бошлайди, фикрлай олади. Бошда бундай ёндашуларга ёқмади, лекин энди улар дунё билан ёлғиз, юзма-юз эканини тўлиқ тушуниб олди. Болалар ҳозир ўз келажакини шакллантира оладиган, эртанги кунини яратишга масъул ва жавобгар бўлган инсонлардир. Улар ўрганиш, билим барча муваффақият калити эканини бўлади.

## “Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДЖЕВА ёзиб олди.

фақат техник жиҳозлаш билан чекланиб қолмайди, инсон капиталини ривожлантиришни ҳам назарда тутади. Айтайлик, илмий фаолият билан шугулланувчи ташкилотларда харид қилинадиган лаборатория асбоб-ускунасида фойдаланиш бўйича малакали ходимлар бўлмаса ёки ходимлар малакасини ошириш зарурати туғилса, уларни икки ҳафтагача етакчи хорижий илмий ташкилотларга илмий стажировкага юбориш мумкин. Бу ўзгариш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки замонавий ускуна ўз-ўзиндан натижа бера олмади — уни тўғри ишлата оладиган мутахассис керак. Янги қарор айнан шу муаммони ҳам қамраб олгани билан муҳим. Бу эса илмий инфратузилма ва илмий салоҳият ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди.

Умуман олганда, янги тартиб илмий лабораторияларни жиҳозлашга онд оддий таъминот моделидан замонавий бошқарув моделига ўтишни аниқлатади. У шаффофликни оширади, илмий ташаббусни қўллаб-қувватлайди, харид жараёнларини тезлаштиради, асосий, илмий натижадорликни марказий мақсадга айлантиради. Энди лабораторияларга фақат ускуналар жамланмаса эмас, балки илмий натижа яратиладиган самарали экотизим сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, илмий ишланмалар сифати ошишига, инновацион гояларнинг тезроқ амалиётга жорий этилишига хизмат қиладди. Шунингдек, янги тартиб орқали илмий ташкилотларда масъулият ва мустақиллик мувозанати таъминланади: бир томондан, уларга кенг имкониятлар яратилади, иккинчи томондан, натижа учун жавобгарлик кучаяди. Бу эса бутун тизим самарадорлигини оширишга хизмат қиладди.

